БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (5650).

12 Март 1985 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари бир дақиқа қайғули сукунат ичра К. У. Черненко хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Пленум ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВни якдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Партия ва давлатнинг атоқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, ер юзида коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи Константин Устинович Черненко вафот этди.

Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти Ленин партиясининг ишига, совет халқининг манфаатларига хизмат қилишга бағишланган эди. Партия юборган ҳамма жойда у ҳамиша ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди. У эллик йилдан ортиқ партия сафида бўлди.

К. У. Черненко чегара заставасининг комсомол раҳбари ва партия ташкилотчиси вазифасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг Ленин типидаги ташкилотчи, раҳбар сифатидаги таланти партия ва давлатдаги юқори лавозимларда тўлиқ намоён бўлди. К. У. Черненко бошчилигидаги партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, Марказий Комитет кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида катта ва самарали иш қилдилар.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш, иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасидаги йирик вазифаларни ҳал этиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, омманинг ижодий активлигини янада юксалтириш, идеологик ишни яхшилашга қаратилган йўл изчиллик билан амалга ошириб келинди. Интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш, кадр сиёсати, Советларнинг, комсомол, халқ контролининг фаолиятини кучайтириш, мактаб ислоҳоти, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ролини юксалтириш масалалари ҳамиша партиянинг диққат марказида турди. КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик, КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини ишлаб чиқиш соҳасида актив иш олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда партиянинг куч-ғайрати қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Социалистик иқтисодий интеграциянинг янги босқичига ўтиш, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлаш К. У. Черненконинг фаолияти билан боғланган.

КПСС Марказий Комитети, Совет давлати турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келдилар, империализм энг реакцион доираларининг агрессив ниятлари ва интилишларига қарши қатъий ҳаракат қилдилар, империализм томонидан тиқиштирилган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини йўқотиш, халқларнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш учун тинмай курашдилар.

Оғир мусибат муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети коммунистларга, совет халқига мурожаат қилиб, партиянинг ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагига янада маҳкам жипслашишга даъват этадилар. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи деб билиш учун ҳамма асосларга эгадирлар. Партиянинг бутун иши ва режалари совет халқининг туб манфаатларига, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга қаратилган.

КПСС абадий барҳаёт революцион марксча-ленинча таълимот билан қуролланган. У Ленин кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бормоқда ва ҳеч қачон бу йўлдан четга чиқмайди.

Партия бундан буён ҳам ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш йўлини ўтказаверади. У экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билади. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида социализмга хос бўлган социал адолат принципи зўр қатъият билан тўлиқ амалга оширилаверади, мамлакат меҳнаткашлари маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган йўл — интизомни, тартибни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўли тинмай давом эттирилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини, жамиятимиз ҳаёт фаолиятининг негизи бўлган совет халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади. Партия марксча-ленинча эътиқодни, коллективчилик, ватанпарварлик, пролетар социалистик интернационализмини совет кишиларининг олий маънавий бойлиги деб ҳисоблаб келмоқда.

КПСС, Совет давлати социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида социализм мавқеларини кучайтириш учун, ядро ҳалокатининг олдини олиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун мумкин ва зарур бўлган ҳамма чораларни кўрдилар ва кўрмоқдалар. Биз қуролланиш пойгасининг тўхтатилишини, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликни истаймиз ва шунга эришмоқ учун сабот-матонат билан ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг пировард мақсадимиз — планетанинг ҳамма жойида ядро қуролларини бутунлай тугатишдан, ядро уруши хавфини тамомила йўқотишдан иборат. Совет Иттифоқи амалий музокаралар олиб боришга, халқаро кескинликни юмшатишга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга олиб борадиган амалий чоралар кўрилишини доимо ёқлаб келди ва ёқлаб келмоқда.

Совет Иттифоқи ҳеч кимга таҳдид қилмаётир ва ҳарбий устунликка интилмаётир. Аммо у бошқа бирон мамлакат ёки давлатлар коалициясининг шундай устунликка эга бўлишига йўл қўймайди. Шу боисдан биз бундан буён ҳам ҳушёрликни тинмай ошираверамиз, социалистик Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлайверамиз.

Биз озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларга хайрихоҳмиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. КПСС тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати кучларини ҳар томонлама жипслаштиришдан иборат изчил йўлга доим содиқдир.

Партиянинг мақсадлари аниқ-равшан ва олижанобдир. Бу мақсадлар КПССнинг меҳнаткашлар ўртасида чексиз ишонч қозонишини таъминлади. Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир. Халқ партия билан бирлиги ва унинг раҳбарлиги туфайли кучлидир.

Ўзининг бутун ҳаётини партияга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Константин Устинович Черненко коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. У марксча-ленинча идеяларнинг оташин пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар, меҳнат аҳлининг эҳтиёжлари ва ташвишларига зўр эътибор ва сезгирлик билан қараган инсон сифатида хотирамизда сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайдилар, Улуғ Октябрь байроғини муносиб равишда баланд кўтариб борадилар.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 11 март куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. С. Горбачев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко вафот этганлиги муносабати билан Пленум қатнашчилари бир дақиқа қайғули сукунат ичра Константин Устинович Черненко хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учраганини уқтириб ўтди. Атоқли партия ва давлат арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович Черненко бутун умрини Ленин партияси ишига, совет халқи манфаатларига бағишлади. Партия уни қаерга юбормасин, доимо у ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди.

Ривожланган социализмни такомиллаштиришга, иқтисодий ва социал ривожланишнинг катта вазифаларини ҳал этишга, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини янада юксалтиришга, идеология ишини яхшилашга, интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишга Константин Устинович Черненко кўп эътибор берди.

Константин Устинович Черненко қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, социалистик иқтисодий интеграцияни амалга оширишга, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари унинг раҳбарлигида қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этилди, империализмнинг агрессив шум ниятларига кескин зарба берилди, империализм авж олдирган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқларнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш учун тинимсиз кураш олиб борилди.

Коммунистик партиямизнинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини Константин Устинович Черненко кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. Доимо у партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у барча муваффақиятларимизнинг, камчиликларни тугатишнинг гарови, олға томон муттасил ҳаракат қилишнинг гарови деб билди.

Коммунистлар, бутун совет халқи шу қайғули кунларда партия Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашадилар, деб уқтирди Пленум. Совет кишилари партияни тўла асос билан жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи деб биладилар ҳамда КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун садоқат билан курашишга азму қарор берганлар.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сиёсий бюронинг топширувига биноан шу масала юзасидан Сиёсий бюро аъзоси ўртоқ А. А. Громико сўзга чиқди. У ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевни якдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети ўзига билдирган юксак ишонч учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди, шу билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар буюклигини жуда яхши тушунишини уқтириб ўтди.

Ўртоқ М. С. Горбачев партиямизга, халқимизга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун, КПССнинг программавий йўл-йўриқлари муттасил амалга оширилиши, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийлик таъминланиши учун, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати сабот билан турмушга татбиқ этилиши учун бутун кучимни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.



## Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ

Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкаси Красногвардейск районининг Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидан кейин кўп ўтмай у 15 ёшида меҳнат фаолиятини бошлади. Машина-трактор станциясида механизатор бўлиб ишлади. 1952 йилда КПСС сафига кирди. 1955 йилда М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетини (юридик факультетни) тамомлади, 1967 йилда эса Ставрополь қишлоқ хўжалик институтини битириб олим-агроном-экономист ихтисосини олди.

1955 йилдан М. С. Горбачев — комсомол ва партия ишида. Ставрополь ўлкасида: ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ўлка комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, сўнгра эса ўлка комитетининг иккинчи ва биринчи секретари лавозимида ишлади.

1962 йил мартида М. С. Горбачев Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси қилиб кўтарилди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

1966 йилнинг сентябрида у Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1968 йил августидан бошлаб М. С. Горбачев КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади, 1970 йил апрелида эса КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

М. С. Горбачев — 1971 йилдан буён КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партиянинг XXII, XXIV, XXV ва XXVI съездлари делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йил октябрида М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказилди. 8-11 чақириқлар СССР Олий Советининг депутати, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси. 10-11 чақириқлар РСФСР Олий Советининг депутати.

Михаил Сергеевич Горбачев — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, партия топширган ҳамма лавозимларда ўзига хос ташаббус, ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқда, ўз билимлари, бой тажрибаси ва ташкилотчилик истеъдодини партия сиёсатини турмушга татбиқ этишга сарфламоқда, улуғ Ленин ишига, меҳнаткаш халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун М. С. Горбачев учта Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан мукофотланган.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович ЧЕРНЕНКО оғир касалликдан сўнг 1985 йил 10 март куни соат 19 дан 20 минут ўтганда вафот этганлигини партияга ва бутун совет халқига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи — Константин Устинович Черненконинг номи совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

# Константин Устинович ЧЕРНЕНКО



Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Константин Устинович Черненко оғир касалликдан сўнг 1985 йил 10 март куни етмиш тўрт ёшида вафот этди.

Коммунистик партия ва Совет давлати, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати атоқли арбобининг юраги уришдан тўхтади. Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти ва фаолияти партия билан халқ ишига, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун, социалистик жамиятимизни ҳар томонлама такомиллаштириш учун, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашга садоқат билан хизмат қилишга бағишланди.

Константин Устинович Черненко 1911 йил 24 сентябрда Красноярск ўлкаси Новосёлов райони Большая Тесь қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. К. У. Черненко меҳнат фаолиятини ёшлик чоғидан бошлаб, қулоқларга ёлланиб ишлади. Унинг шундан кейинги бутун меҳнат фаолияти комсомол, сўнгра эса партия органларида раҳбарлик иши билан боғлиқ бўлди. 1929-1930 йилларда К. У. Черненко ВЛКСМ Красноярск ўлка Новосёлов район комитети пропаганда ва агитация бўлимига мудирлик қилди. 1930 йилда кўнгилли бўлиб Қизил Армияга кетди, шу ерда 1931 йилда Коммунистик партия сафига кирди. 1933 йилгача чегара қўшинларида хизмат қилди, чегара заставаси партия ташкилотининг секретари бўлди.

Армиядаги хизматни тугатгач, К. У. Черненко Красноярск ўлкасида: Новосёлов ва Уярский район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, Красноярск ўлка партия маорифи уйининг директори, Красноярск ўлка партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, ўлка партия комитетининг секретари бўлиб ишлади.

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Партия ташкилотчилари олий мактабини тамомлаганидан кейин 1945 йилдан бошлаб К. У. Черненко Пенза область партия комитетининг секретари, 1948 йилдан бошлаб эса Молдавия Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири лавозимида ишлади.

1956 йилда у КПСС Марказий Комитетининг аппаратига — Пропаганда бўлими секторининг мудири лавозимига кўтарилди. 1960 йилдан бошлаб К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиуми Секретариатининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1965 йилда у КПСС Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудири этиб тасдиқланади. 1966-1971 йилларда К. У. Черненко — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат. Партиянинг XXIV съездида, 1971 йил март ойида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб, 1976 йил март ойида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездидан кейин бўлиб ўтган Пленумида эса КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланади.

1977 йилдан К. У. Черненко — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1978 йилдан эса Сиёсий бюро аъзоси.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил 13 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми К. У. Черненкони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

К. У. Черненко 7-11 чақириқлар СССР Олий Советининг депутати ва 10-11 чақириқлар РСФСР Олий Советининг депутати бўлди. 1984 йил апрелида 11-чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди.

Партия Константин Устинович Черненкога ишониб топширган юксак лавозимларда у ўзининг садоқатли ва матонатли марксчи-ленинчи эканини, тинчлик ва одамларнинг бахт-саодати учун актив курашчи эканини кўрсатди. Жуда бой ҳаётий тажрибага, чуқур назарий билимларга, зўр сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг КПСС бош йўлини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, XXVI съезд қарорларини турмушга татбиқ этиш соҳасидаги, партия ва давлат ишининг ленинча услубини ривожлантириш ва қарор топтириш соҳасидаги коллектив фаолиятига катта ҳисса қўшди.

К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида қилган докладида, бошқа нутқларида КПССнинг стратегик йўли — СССРда барпо этилган социализмни такомиллаштириш йўли ҳар томонлама асослаб берилди. Партия ишлаб чиққан ривожланган социализм концепцияси янада чуқурлаштирилганлиги ва конкретлаштирилганлиги унинг номи билан боғланган, шу концепция КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини тайёрлаш соҳасидаги ишга асос қилиб олинди.

К. У. Черненко партиянинг омма орасидаги ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши форма ҳамда методларини такомиллаштиришга, унинг кадрлар сиёсатига, Советларнинг, касаба союзлари ва комсомолнинг, ижодий союзларнинг, халқ контроли органларининг фаолиятини яхшилашга кўп куч сарфлади ва эътибор берди. К. У. Черненко мактаб ислоҳотини ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшди.

К. У. Черненко ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ошириш, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳақида, хўжалик механизмини такомиллаштириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилди. Унинг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумидаги нутқида партиянинг аграр сиёсати янада ривожлантирилди, Озиқ-овқат программасини бажариш, халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш соҳасидаги актуал вазифалар белгилаб берилди.

К. У. Черненко СССР Мудофаа Кенгашига бошчилик қилиб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Совет Қуролли Кучларининг жанговар тайёрлигини ошириш учун кўп иш қилди.

Мураккаб халқаро вазиятда К. У. Черненко партиямизнинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро уруши хавфини тугатишга қаратилган тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатини амалга ошириш устида ҳормай-толмай ишлади. Совет халқи, барча холис ниятли кишилар бу сиёсатни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

К. У. Черненко социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги ва жипслигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият берди. У жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун, халқларнинг миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлаш учун изчиллик билан курашди.

Совет Иттифоқининг халқаро вазиятни соғломлаштиришга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган кўпгина амалий таклифлари К. У. Черненконинг ташаббуси билан ишлаб чиқилди.

Ватан олдидаги катта хизматлари учун Константин Устинович Черненко уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, тўртта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, Совет Иттифоқининг кўпгина медаллари билан, шунингдек қардош мамлакатларнинг олий мукофотлари билан тақдирланди. У Ленин мукофотининг лауреати эди.

К. У. Черненко совет халқининг, чет эллик дўстларимизнинг чуқур ҳурмати ва ишончини қозонди. У меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қараши, принципиаллиги ва шахсан камтаринлиги билан ҳамиша ажралиб турар эди.

Константин Устинович Черненконинг бутун умри — улуғ Ленин партияси ишига астойдил садоқат, коммунизм идеалларининг тантанаси йўлида фидокорона меҳнат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотираси коммунистларнинг, барча совет кишиларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** | **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг вафоти муносабати билан 1985 йил 11, 12, 13 март кунлари мамлакатда мотам эълон қилинсин.

2. Константин Устинович Черненко жасадини дафн қилиш пайтида Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Красноярск шаҳарларида тўплардан ўқ узилсин.

Худди шу пайтда Совет Иттифоқининг бутун территориясида узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари ҳамма корхона ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхтатиб турилсин; фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флоти кемаларида уч минут мобайнида гудок чалиб салют берилсин.

## Константин Устинович Черненконинг касаллиги ва вафотининг сабаби тўғрисида медицина хулосаси

1911 йилда туғилган К. У. Черненко ўпка эмфиземаси билан узоқ вақт оғриб келган, бу дард асоратида ўпка-юрак етишмовчилиги бошланди. Дардга қўшилган хроник гепатитнинг циррозга айланиб кетгани аҳволни янада оғирлаштирди. Даво қилинишига қарамай, орган ва тўқималардаги гипоксимик ва дистрофик ўзгаришлар кучайиб борди.

Жигар ва ўпка-юрак етишмовчилиги зўрайиб бориб, 1985 йил 10 март соат 19 дан 20 минут ўтганда юрак уришдан тўхтади.

Патологоанатомик текширишда диагноз тасдиқланди.

**СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Тўртинчи бош бошқарма бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Е. И. ЧАЗОВ; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. Г. ЧУЧАЛИН; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор М. И. ПЕРЕЛЬМАН; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор В. Г. СМАГИН; СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Ф. И. КОМАРОВ; хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор В. Г. ПОПОВ; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. И. ВОРОБЬЕВ; даволовчи врач З. В. ОСИПОВА; СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Н. А. КРАЕВСКИЙ; хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ю. В. ПОСТНОВ.**

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненкони дафн қилишни ташкил этувчи комиссия қуйидаги составда тузилсин: М. С. Горбачев (раис), Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, Е. К. Лигачев, Г. М. Марков, В. М. Мишин, В. В. Терешкова, П. Н. Федосеев, С. А. Шалаев, Ю. А. Прокофьев, С. С. Циглимов ўртоқлар.

2. К. У. Черненко Қизил майдонда дафн қилинсин.

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненкони дафн қилишни ташкил этиш комиссиясидан

Комиссия маълум қиладики, Константин Устинович Черненконинг жасади солинган тобут 1985 йил 11 мартда Союзлар уйининг Колонна залига қўйилади.

Меҳнаткашлар Константин Устинович Черненко билан видолашиш учун шу йил 12 март соат 10 дан 22 гача ва 13 март соат 9.30 минутдан соат 11.30 минут гача киритилади.

### КОНСТАНТИН УСТИНОВИЧ ЧЕРНЕНКОНИ ДАФН ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОМИССИЯСИДАН

Комиссия маълум қиладики, Константин Устинович Черненкони дафн қилиш маросими 13 март, чоршанба куни соат 13 да Қизил майдонда ўтказилади.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ К. У. ЧЕРНЕНКО БИЛАН ВИДОЛАШУВИ

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг вафоти ҳар бир совет кишисини ич-ичидан қайғуга солмоқда. Бутун мамлакат, Ватанимиз пойтахти мотам тутмоқда.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қатнашчилари 11 март куни Союзлар уйининг Колонна залига, марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган супача ёнига келдилар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари атоқли партия ва давлат арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи хотирасига мотамона сукут ичра ҳурмат бажо келтирдилар. Сўнгра улар марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур таъзия билдирдилар.

**(ТАСС).**

## ХАЛҚ ХОТИРАСИДА АБАДИЙ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи — Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотирасига бағишланган мотам митинглари бўлиб ўтмоқда.

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари мотам митингига тўпландилар. Ҳамма ғамгин, сафлар узра Константин Устинович Черненконинг қора ҳошия билан ўралган сурати кўтарилган. Митинг қатнашчилари Ленин партияси атоқли фарзандининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

— Ҳаммамиз учун азиз бўлган Константин Устиновичнинг вафоти дилимизни чуқур қайғуга солди, — деди механика цехининг инженери И. Фармонов. — У ўзининг бутун ёрқин ҳаётини Коммунистик партияга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. У ҳамиша халқ орасида бўлди, одамларнинг фикр-ўйлари ва талаб-эҳтиёжларини яхши биларди, унинг учун меҳнаткашларнинг бахт-саодатидан юксакроқ ҳеч нарса йўқ эди.

— Бутун мамлакат учун шу қайғули кунларда биз, машинасозлар Коммунистик партия теварагига, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашиб, янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қиламиз, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаймиз, деб сўз берамиз, — деди митингда бўлим бошлиғи С. Ерохин. — Бизнинг зарбдор меҳнатимиз, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндашишимиз Константин Устинович хотирасини энг яхши ардоқлаш бўлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг вафоти тўғрисидаги хабар тошкентлик темирйўлчиларни қайғуга солди. Тепловоз депосининг беш юздан ортиқ ишчи ва хизматчиси мотам митингига тўпланди.

— Партиямиз билан бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар, — деди митингда слесарь В. И. Каргапольцев. — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи ҳаётдан кўз юмди. Константин Устинович ўзининг бутун умрини Ленин партияси ишига, совет халқининг манфаатларига бағишлади.

Сўзга чиққан кишилар К. У. Черненко хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Машинист-инструктор Х. С. Почаев, катта мастер Р. Хисматуллин, депо бошлиғи А. А. Абдуллаев ва митингда қатнашган бошқа кишилар шу мотам кунларида депо коллективи халқ хўжалик юкларини жадал ташиш топшириқларини ошириб бажаради, деб ваъда беришди.

СССР 50 йиллиги номидаги Нукус ремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари мотам митингига тўпланиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматладилар.

— Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёт йўли — содиқ ленинчи, коммунист, ватанпарварнинг йўлидир, — деди завод ветерани, йўнувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Б. Умрзоқов митингда сўзлаган нутқида. У совет кишилари яхшироқ яшашлари, тинчлик шароитида меҳнат қилишлари учун оталарча ғамхўрлик қилди. Константин Устинович Черненко ўзининг ҳамма ишлари билан бутун халқнинг астойдил меҳр-муҳаббатини қозонди. У марксизм-ленинизм ғояларининг эҳтиросли пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар сифатида хотирамизда қолади. У ўзининг бутун умрини партияга, халққа бағишлади.

Хоразм область Урганч районидаги Охунбобоев номли колхознинг пахтакорлари ва чорвадорлари, механизаторлари ва сабзавоткорлари мотам митингига келиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненко хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

— Коммунистик партия, бутун совет халқи жуда катта, оғир жудоликка учрадилар, — деди бригадир, СССР Давлат мукофотининг лауреати Р. Бобожонов. — Константин Устинович Черненконинг ҳаёти юксак принципиаллик, партиявийлик, улуғ Ленин ишига садоқат намунасидир. Унинг порлоқ хотираси бутун тараққийпарвар инсоният дилида ҳамиша сақланиб қолади. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари бундан буён ҳам жонажон Коммунистик партия кўрсатган йўлдан бораверадилар.

**(ЎзТАГ).**



КПСС Марказий Комитети Пленуми қатнашчиларининг Константин Устинович Черненко билан видолашуви.

# КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизнинг, партиямиз ва мамлакатимизнинг бошига оғир мусибат тушди. Содиқ ленинчи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, меҳрибон инсон ва зўр ташкилотчилик истеъдоди соҳиби — Константин Устинович Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Партия унга топширган ҳар бир участкада унинг истеъдоди, одамлар билан ишлаш маҳорати тобора тўлиқроқ намоён бўлаверди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида Константин Устинович Черненко ўзининг бутун кучи ва билимини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сарфлади.

Константин Устинович Черненко Коммунистик партиянинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. У доимо партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у муваффақиятларнинг, камчиликлар тугатилишининг гарови деб, олға томон муттасил қиладиган ҳаракатимизнинг гарови деб билди.

XXVI съездда, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл ўзгармас йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлидир. Бунда гап ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар, аввало, иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда.

Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим. Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз.

Бу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ ҳал этиш учун хўжалик механизмини ва бутун бошқарув системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштириш зарур. Биз шу йўлдан бориб, энг мақбул ечимларни танлаб, социалистик хўжалик юритишнинг энг асосий принципларини ижодий қўлланишимиз муҳимдир. Бу — экономикани планли ривожлантиришни муттасил амалга ошириш, социалистик мулкни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини кучайтириш демакдир. Бу бутун иқтисодий тараққиётни пировард натижада совет кишилари манфаатларига бўйсундириш демакдир.

Партия ўзи ишлаб чиққан социал сиёсатни муттасил ўтказа беради. Программамизга ёзиб қўйилган — «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун», деган қоида тобора чуқур ва аниқ-равшан мазмун билан тўлиб бориши лозим. Инсоннинг турмуш шароитлари яхшиланиши унинг умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшишига асосланиши кераклиги равшан. Шу принципдан четга чиқишга йўл қўйилган жойларда социал адолатга муқаррар хилофлик содир бўлади. Социал адолат эса социалистик жамият бирлиги ва барқарорлигининг энг муҳим омилидир.

Партия демократияни, халқ социалистик ўз-ўзини бошқаришининг бутун системасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни ички сиёсатининг туб вазифаларидан бири деб билади. Бу соҳадаги вазифалар кўп қирралидир. Шу жиҳатдан кўп иш қилинмоқда. Советларнинг ролини янада ошириш, касаба союзларини, комсомолни, халқ контролини, меҳнат коллективларини активлаштириш назарда тутилади. Аммо келгусида шу пайтгача белгилаб қўйилган соҳаларда ҳам, янги соҳаларда ҳам сабот билан иш қилиниши лозим.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш ижтимоий онгни ошириш билан чамбарчас боғланган. Тарбиявий ишнинг самарадорлиги аввало, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг катта ва кичик проблемаларни ҳал этишда қандай қатнашаётганликларида, улар қандай меҳнат қилаётганликларида, камчиликларни тугатиш учун қандай курашаётганликларида намоён бўлмоқда. Бутун идеологик фаолиятнинг натижалари совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва социал активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия — бутун идеология фаолиятининг муҳим вазифасидир.

Шу билан бирга бундан буён ҳам янада тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамият ва унинг гражданлари манфаатларига ҳар қандай ҳамлалардан тозалаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилаверади.

Биз партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишидаги ошкораликни бундан буён ҳам кенгайтиришимиз лозим. В. И. Ленин давлат омманинг онглилиги билан кучли, деган эди. Бизнинг тажрибамиз бу хулосани тўла-тўкис тасдиқлади. Одамлар нақадар яхшироқ хабардор бўлсалар, шу қадар онгли равишда ҳаракат қиладилар, партияни, унинг режалари ва программавий мақсадларини активроқ қўллаб-қувватлайдилар.

Ташқи сиёсат соҳасидаги йўлимиз равшан ва изчилдир. Бу — тинчлик ва тараққиёт йўлидир.

Энг яқин сафдошларимиз ва иттифоқчиларимиз — улуғ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча дўстликни ардоқлаш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш — партия билан давлатнинг энг биринчи вазифасидир. Биз социалистик давлатлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун, жаҳон ишларида социализмнинг роли ва таъсирини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Биз Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашни истаймиз ва ўзаро хоҳиш бўлган тақдирда бунга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаб келди. Ҳозир ҳам биз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал янгиланиш йўлидан бораётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига хайрихоҳмиз. Биз учун улар — мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида яхши, одилона муносабатлар учун курашда дўст ва ҳамкордирлар.

Капиталистик давлатлар билан муносабатларга келганда қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Биз ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлидан қатъият билан борамиз. Совет Иттифоқи холис ниятга ҳамиша холис ният билан, ишончга ишонч билан жавоб беради. Аммо биз Ватанимизнинг ва унинг иттифоқчиларининг манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмаслигимизни ҳамма билиб қўйиши керак.

Биз халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида 70-йилларда эришилган муваффақиятларни қадрлаймиз ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик негизларидаги тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнини давом эттиришда қатнашишга тайёрмиз. Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Улуғ Ғалабанинг қирқ йиллигини бу соҳада янги қадамлар қўйиш билан муносиб нишонлаш мумкин бўлур эди.

Илгари ҳеч қачон инсоният боши узра шу кунлардагидек даҳшатли хавф пайдо бўлмаган эди. Вужудга келган аҳволдан қутулишнинг бирдан бир оқилона йўли — қаршима қарши турган кучларнинг ерда қуролланиш пойгасини — аввало ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини дарҳол тўхтатиш ва космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик ҳақида бир битимга эришишдан иборат. Иккинчи томонни «доғда қолдириш»га уринмай ва унга ўз шартларини буюрмай, ҳалол ва тенг ҳуқуқли асосда битимга эришиш, эзгу мақсад — ядро қуролини батамом тугатиш ва абадий тақиқлаш, ядро уруши хавфини батамом йўқотиш сари олға силжишда ҳаммага ёрдам берадиган битимга эришмоқ керак. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Эртага Женевада СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида музокаралар бошланади. Совет Иттифоқининг бу музокараларга қандай ёндашиши яхши маълум. Шуни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман: биз Қўшма Штатлардан, НАТО мамлакатларидан бир ёқлама афзалликка эришишга, улардан ҳарбий устунликка интилмаймиз, биз қуролланиш пойгасини давом эттиришни эмас, балки тўхтатишни хоҳлаймиз — айни шунинг учун ҳам ядро қуролларини кўпайтирмасликни, ракеталарни бундан буён жойлаштиришни тўхтатишни таклиф қиляпмиз; биз хоҳ космосда бўлсин, хоҳ ерда бўлсин қуролларнинг тобора янги системаларини яратишни эмас, балки ғамлаб қўйилган қурол-яроғларни ҳақиқатан ва катта миқдорда қисқартиришни хоҳлаймиз.

Женевадаги музокарадошларимиз Совет Иттифоқининг позициясини тушуниб, шунга мувофиқ иш тутишларини хоҳлар эдик. Шунда бир битимга эришиш мумкин бўлур эди. Жаҳон халқлари енгил нафас олган бўлур эдилар.

КПСС — ўз табиатига кўра интернационал партиядир. Бизнинг чет эллардаги маслакдошларимизнинг ишончи комил бўлаверсин: Ленин партияси тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, ҳамиша бўлганидек, қардош коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиялар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилаверади, барча революцион кучларнинг бирлиги ва актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун курашаверади.

Ўртоқлар! Олдимизда турган мураккаб вазифаларнинг ҳал этилиши партияни янада мустаҳкамлашни, унинг сафарбар этувчи ва раҳнамолик ролини оширишни тақозо этади. КПСС ҳамиша Лениннинг принципиал сиёсат — бирдан бир тўғри сиёсатдир, деган фикрига амал қилиб келди ва шу фикрга амал қилаверади. Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган бу сиёсат изчиллик билан муттасил амалга оширилаверади. Партия — мамлакатдаги барча синф ва социал групаларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини эътиборга олишга, уларни бир бутун қилиб жипслаштиришга, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг муштарак ишига сафарбар этишга қодир бўлган кучнинг ўзидир.

Партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини мустаҳкамлашга, улуғ кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини муттасил мустаҳкамлашга қаратилиб келди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС ёшларнинг ижодий ташаббусини ҳар томонлама ривожлантираверади, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида, уруш ва меҳнат ветеранларининг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилаверади.

Мураккаб халқаро вазиятда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир. Потенциал агрессорлар шуни яхши билиб қўйсинлар: Совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига, совет кишиларининг тинч турмушига қилинадиган ҳамлага қақшатқич жавоб зарбаси берилади. Шонли Қуролли Кучларимиз бунинг учун келгусида ҳам зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланаверади.

Ҳозир КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишлари кенг миқёсда авж олдириб юборилган. Бу съездда партиянинг янги таҳрирдаги Программаси кўриб чиқилади, мамлакатни ривожлантиришнинг келгуси беш йилликдаги ва 2000 йилгача бўлган истиқболлари белгиланади.

Юқоридан қуйигача барча партия ташкилотларининг қизғин, ижодий ишлашини замон талаб қилмоқда. Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар гражданлик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак. Бу гап аввало партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Марказий Комитет аъзолари, область комитетларининг биринчи секретарлари, Пленумнинг ҳамма қатнашчилари Пленум тугагач, жойларга бориб янги ғайрат билан ишга киришадилар. Қилинадиган ишлар эса кўп. Аввало, бу йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш соҳасидаги ишни муваффақиятли туґаллаш ва шу тариқа навбатдаги беш йилликни дадил бошлаш учун замин яратиш керак.

Қаҳратон қиш бир қанча тармоқлардаги план топшириқларининг амалга оширилишига бирмунча халақит берди. Бинобарин, ҳозир шайланиб, резервларни сафарбар этиш, бутун кучни тўплаб, қилинмай қолган ишларни етказиб олиш ва йил охиригача белгиланган марраларга чиқиш лозим.

Ўртоқлар, коммунистларнинг сафлари нақадар қудратли ва метиндек кучли эканини, совет халқимиз нақадар жипслашган ва якдил эканини шу кунларда янада яхшироқ ҳис этяпмиз. Яқинда бўлиб ўтган сайловда совет кишилари партиямиз билан давлатимизнинг йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлашларини яна бир бор изҳор этдилар. Бу қўллаб-қувватлаш бизга илҳом беради ва зиммамизга масъулият юклайди.

Бугун Марказий Комитет Пленуми менинг зиммамга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлишдек мураккаб ва катта вазифани юклади. Менга билдирилган ишонч нақадар буюклигини ва у билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар катталигини яхши тушунаман. Келгусидаги ишда Сиёсий бюро аъзоларининг, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатларнинг ва Марказий Комитет секретарларининг, умуман партия Марказий Комитетининг мадади ва актив ёрдамига умид қиламан. Сизларнинг кўп қиррали тажрибангиз — халқимиз тарихий тажрибасининг йиғиндисидир. Ўртоқлар, партиямизга, халқимизга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман, деб сизларга ваъда бераман.

Марказий Комитет теварагига жипслашган халқ ва партия КПСС XXVII съездига ҳозирлик кўрар экан, совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

# КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 11 март куни Франция ташқи алоқалар министри Р. Дюмани қабул қилди.

Р. Дюма К. У. Черненконинг вафоти муносабати билан Франция ҳукумати номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Н. А. Тихонов ҳамдардлик учун министрга миннатдорчилик билдирди.

Фикрлашиш вақтида СССР билан Франция ҳар бири ўз томонидан ва бир-бири билан кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиб, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч муҳитини қайта тиклашга интилишлари таъкидланди.

Совет томони СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик халқаро муносабатлардаги ижобий ғояларнинг бир неча бор манбаи бўлганлигини ва бундай имконият ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолаётганлигини уқтирди.

Икки томонлама муносабатлар масалалари муҳокама қилинаётган пайтда Н. А. Тихонов Совет Иттифоқи билан Франция сингари икки мамлакат ўзаро мунтазам сиёсий алоқалар боғлашни биз табиий ва фойдали иш деб ҳисоблаймиз, деб таъкидлади. Ҳар икки томон ўзаро манфаатли негизда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берди. Фан, техника, маданиятнинг турли соҳаларида айрибошлашни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжудлиги ҳам уқтирилди. Бу эса ҳар икки мамлакат халқларига наф келтиради, уларнинг анъанавий ўзаро ҳурмат ва хайрихоҳлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

(ТАСС).

# СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

11 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССРга келган Франция ташқи алоқалар министри Р. Дюма ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Р. Дюма К. У. Черненко вафоти муносабати билан Франция ҳукумати номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

А. А. Громико изҳор этилган ҳамдардлик учун миннатдорчилик билдирди.

СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари принципиал жиҳатдан муҳокама қилинди, бунда ҳар икки томон ўтган йил июнь ойида Москвада олий даражада олиб борилган музокараларнинг ижобий якунларига таяниб, турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муддаосини таъкидлади.

Ҳар икки томон Европада ва ундан ташқарида тинчлик ҳамда хавфсизлик проблемалари Совет—Франция сиёсий мулоқотининг ўзагидир деган қоидага асосланади. Барча давлатлар ва халқларнинг куч-ғайрати, деб таъкидлади А. А. Громико, тинчликни мустаҳкамлашга, ядро ҳалокати хавфини бартараф этишга қаратилиши лозим.

А. А. Громико АҚШнинг қуролланиш пойгасини космосга ёйиш режалари айниқса хавфли эканлигини уқтириб, ядро қуроллари ва космик қуроллар масаласи юзасидан 12 март куни Женевада очиладиган Совет—Америка музокараларига нисбатан Совет Иттифоқининг ёндашувини баён қилиб берди. А. А. Громико бу масалалар ўзаро боғланган ҳолда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим деган фикрни алоҳида уқтирди. СССР ўзи учун бир томонлама афзалликларни қидирмайди, қуролланиш пойгасини давом эттиришга эмас, балки тўхтатишга, ядро қуроли запасларини ҳақиқатда қисқартира бориб, батамом тугатишга интилмоқда. Совет делегацияси Женевада айни ана шундай конструктив асосда иш кўради. АҚШдан ҳам биз шуни кутишга ҳақлимиз.

Р. Дюма СССР билан АҚШ ўртасида музокаралар бошланишини табриклаб, бу музокараларда космосда қуролланиш пойгасининг олдини оладиган, ядро қуролларини қисқартиришга олиб келадиган қарорлар ишлаб чиқишга эришилади, деб умид билдирди. У имкони борича пастроқ даражада кучлар мувозанатини ёқлаб ҳам фикр билдирди.

Стокгольмдаги конференция масалалари юзасидан фикрлашиб олиш вақтида Совет томони Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг сиёсий тадбирларини ўзаро ишончнинг ўсишига олиб келадиган ҳарбий соҳадаги тадбирлар билан оқилона боғлайдиган ечимларни топиш зарурлигини уқтирди. Франция томони ҳам Стокгольмда аҳдлашувларга эришиш лозимлиги ҳақида, умумий тарзда фикр билдирди.

Ҳар икки томон гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга СССР билан Франция катта аҳамият бераётганлигини таъкидлади. Ҳар икки мамлакат халқлари гитлерчилар фашизмига қарши курашда қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилди. Бу сана, деб уқтирди А. А. Громико, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги ривожланиш натижасида вужудга келган территориал-сиёсий реалликларни ҳамма давлатлар сўзсиз ҳурмат қилиши негизида Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида куч-ғайратни кўпайтиришга даъват этади.

Томонлар Яқин Шарқда кескинлик манбаларини тугатиш кераклигини айтдилар. А. А. Громико Яқин Шарқ проблемасини ўтмишда ўзининг асоссиз эканлигини исбот қилган сепарат битимлар орқали эмас, балки барча манфаатдор томонларнинг иштироки билан халқаро конференция чақириш орқали одилона ва ҳар тарафлама бартараф этиш мумкинлигини таъкидлади. Фикр алмашув Яқин Шарқ проблемасини бартараф этишнинг баъзи жиҳатлари юзасидан СССР билан Франция позицияларининг бир-бирига яқинлигини тасдиқлади.

Ҳар икки томон Марказий Америкада вужудга келаётган хатарли вазиятдан жиддий ташвиш изҳор этди. Совет Иттифоқи билан Франция шу регионда вужудга келган проблемаларни ҳал қилишнинг тинч йўлларини қидиришни ёқлаб, Никарагуанинг ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувга қарши чиқмоқда. Совет томони ошкора дўқ-пўписаларни, қўпол тазйиқни ишга солаётган АҚШнинг хатти-ҳаракатларига принципиал баҳо берди. Бунга чек қўйилиши лозим. Ҳар бир халқ ўз тақдирини, ўз мамлакатининг ижтимоий тузумини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Томонлар турли даражаларда СССР билан Франция ўртасида сиёсий алоқалар боғлаш ва маслаҳатлар ўтказиш практикасини давом эттириш кераклигини билдирдилар.

* * *

А. А. Громико Р. Дюма шарафига нонушта зиёфат берди, зиёфатда нутқлар сўзланди.

Куннинг иккинчи ярмида музокаралар давом эттирилди.

(ТАСС).

● БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## БАРҲАЁТ ЖАСОРАТ

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда тузилган 162-ўқчи дивизия жанг майдонларида мислсиз мардонаворлик кўрсатди. Ҳамшаҳримиз Ольга Фёдоровна Волхонская ана шу дивизиянинг қалби эди. Медицина хизмати подполковниги, дивизиянинг етакчи хирурги бўлган О. Волхонская минглаб ярадорларнинг дардига шифо топди. Уларнинг ҳаётини қутқариб қолди.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг қуролли кучлари тарихи музейида ана шу дивизиянинг жанговар фаолиятини ёритувчи алоҳида бўлим бор. Унинг экспонатларига Қизил байроқлар файз киритиб турибди. Яқинда мард жангчи, моҳир хирург О. Волхонскаяга тегишли орден ва медаллар, фотосуратлар, ҳужжатлар ва ашёлар экспонатлар қаторидан ўрин олди. Шундай қилиб, жангларда кўрсатилган мардонаворлик, ватанпарварлик ҳеч қачон унутилмайди.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

ДАЛЛАС, 10 март. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг АҚШ бўйлаб сафари давом этмоқда. Делегация шанба куни, 9 мартда Даллас шаҳри (Техас штати) билан танишди. Шаҳар маъмурларининг вакиллари ва аҳолиси Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни самимий табриклаб кутиб олдилар.

Делегациянинг савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб, унда Техасдаги энг катта корпорацияларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Мазмунли ва ошкора суҳбат давомида улар СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар яхшиланишидан манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар. В. В. Шчербицкий ҳозир бўлган кишиларга ядро уруши хавфини бартараф этишга қаратилган совет ташқи сиёсатининг принципларини тушунтириб берди ва Совет—Америка муносабатларининг ҳозирги ҳолатига баҳо берди.

Фикрлашув чоғида учрашувнинг америкалик қатнашчилари томонидан Совет—Америка савдо-сотиқ муносабатларини активлаштиришга интилаётганликлари изҳор қилинди. Муносабатлар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни яхшилашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Делегация Далласдаги бир қанча корхоналарни ва шу жумладан, замонавий оптик-электрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмани кўздан кечирди.

Кечқурун Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Даллас яқинидаги Форт-Уэрт шаҳрига бордилар. АҚШ конгресси вакиллар палатасидаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Ж. Райт делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида маҳаллий жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар. В. В. Шчербицкий ва Ж. Райт қисқача баёнот бердилар. Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

## ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ЛЕЙПЦИГ. Бу ерда очилган халқаро баҳорги Лейпциг ярмаркасида барча қитъалардаги 9 мингта саноат корхонаси, ташқи савдо бирлашмаси ва фирма қатнашмоқда. Иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқларнинг мана шу жуда катта кўриги «Эркин халқаро савдо-сотиқ ва техникавий тараққиёт учун» деган анъанавий шиор остида ўтказилмоқда.

Ярмаркадаги энг катта экспозициялардан бири — Совет экспозицияси Улуғ Ватан урушида СССР қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги белгиси остида намойиш қилинмоқда. Экспозиция Советлар мамлакати эришган ютуқлар тўғрисида, КПСС XXVI съездининг қарорлари изчил амалга оширилаётганлиги ва меҳнаткашлар партиянинг XXVII съездига тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Совет виставкасининг кўпдан кўп экспонатлари СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида самарали ҳамкорлик қилаётганлигидан яққол далолат беради.

## ҚОБУЛДА МАЖЛИС

КОБУЛ. Бу ерда АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда мамлакатни социал ва иқтисодий ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда сўзга чиққан АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал шу афғон йилида (20 мартда тугайди) АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси революциянинг социал базасини такомиллаштириш, республика қуролли кучларини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилди, деди. У мамлакат барча партия ташкилотлари ва комитетларини Сиёсий бюронинг асосий қарорларига оғишмай риоя этишга, давлат ҳокимияти органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилишга чақирди.

## ҲАРБИЙ ҲОЛАТ

ЛОНДОН. Покистонда мамлакат конституциясига киритилган ўзгаришлар билан унинг амал қилишини қисман тиклаш тўғрисида хабар берилди. Натижада Генерал Зиёул Ҳақ амалда чекланмаган ҳокимиятга эга бўлди. Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, Зиёул Ҳақ 1973 йилги конституцияни демократик мазмунидан маҳрум қилишга интилиб, асосий қонуннинг 27 та энг муҳим моддаси амал қилишини номаълум муддатга кечиктирди. Маълумки, ана шу моддаларда покистонликларнинг гражданлик ҳуқуқлари ва сиёсий партияларнинг фаолияти тўғрисида гапирилади. Генерал шунингдек, Покистондаги ҳарбий ҳолат сақланиб қолинишини ва ҳарбий трибуналларнинг амал қилиши яна узоқ вақт сақлаб қолинишини тасдиқлади.

# ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АЛОҚАСИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

11 март куни Тошкентда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг йиллик умумий йиғилиши бўлди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматладилар.

Йиғилишда 1984 йилги илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ва беш йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалик фанининг вазифалари муҳокама қилинди. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Президиуми раиси К. А. Акмалхонов доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар Ўрта Осиё республикалари аграрчи олимлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшаётганликларини таъкидладилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаш, уни саноат негизига кўчириш билан боғлиқ илмий проблемаларга катта эътибор берилди.

Ғўзанинг сифатли тола берадиган сермаҳсул, тезпишар навлари селекциясини, деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш олимларнинг бурчи эканлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва йиғиштириб олишнинг индустриал технологиясига ўтишни таъминлайдиган янги серунум машиналар билан деҳқонларни тезроқ таъминлаш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга оширишда фан алоҳида роль ўйнаши лозимлиги йиғилишда уқтирилди. Аграрчи олимлар регионда мелиорация ва ирригацияни янада ривожлантиришга, айниқса қўриқ зоналарда суғориладиган ер самарасини оширишга кўпроқ ҳисса қўшишлари лозим.

Йиғилиш қатнашчилари қишлоқ меҳнаткашларининг ишини ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига, камроқ чиқим қилиб кўпроқ маҳсулот олиш имконини берадиган коллектив пудратни деҳқончилик ва чорвачиликка бундан буён ҳам жорий этиш йўлларига тўхталиб ўтдилар.

Аграрчи олимлар, деб уқтирилди йиғилишда, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, илмий ечимларнинг самарадорлиги ва сифатини муттасил оширишга, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймоқдалар.

Йиғилиш ишида ВАСХНИЛ вице-президенти академик А. Н. Каштанов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Редактор Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

